

**Тошкент педитария тиббиёт институти
ректори, профессор Б.Т.Даминовга
2-педиатрия ва тиббий-биология
факультети, 214 гуруҳ талабаси
Абдуллаев Абдулла Абдуллаевичга берилган**

Тавсиянома

Тошкент педиатрия тиббиёт институти 2-педиатрия ва тиббий-биология факультети 2 -босқич 214 гуруҳи талабаси Абдуллаев Абдулла Абдуллаевич ушбу олийгоҳга 2019 йилда тўлов-контракт асосида қабул қилинган. Хозирда ушбу институтнинг 2-босқич талабасидир.

Институтда таҳсил олиш даврида у ниҳоятда интизомли, зийрак ва зукко талаба сифатида ўзини кўрсатди. Ўқув машғулотларига жиддий ва маъсулият билан ёндошади ва уларни қунт билан ўрганишга ҳаракат қилади. У деярли барча фанларни «аъло» баҳолар билан ўзлаштириб келади. Таълим олиш даврида, республика ва институт миқёсида ўтказилган бир қатор тиббий илмий ва амалий анжуманларда ўзининг илмий мақолалари ва илмий ишлари билан мунтазам қатнашиб, совриндорлар қаторида бўлди. Унинг мақола ва тезислари институт, республика ва хорижий журналлар ҳамда илмий ишлар тўпламларида нашр этилган.

У хозирги давр талабига кўра жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, хар томонлама етук, замонавий чуқур билимга эга шахсдир. Хорижий тилларни билишга ниҳоятда қизиқади ва уларни жиддий ўзлаштиради. У инглиз ва рус тилларини яхши ўзлаштирган ва эркин гаплаша олади. Институтнинг илмий, ижтимоий ва маърифий-маънавий ҳаётида мунтазам равишда фаол қатнашиб келади. Институт ва олий таълим муассасалари миқёсида ўтказилаётган тадбирларда, жамоат ишларида иштирок этиб, ўз қобилияти, ташаббускорлиги, уддабуронлиги ҳамда зукко талаба эканлиги билан талабалар орасида ажралиб туради.

Абдуллаев А.А. келажакда Мустақил Ўзбекистон учун ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишига ишонч билдириб, уни иқтидорли ва меҳнатсевар талаба сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институти Талабаларни рағбатлантириш Кенгашига рағбатлантириш учун номзодликка тавсия этамиз.

Талабалар Кенгаши раиси:



Собитов И.З.

Талабалар Кенгашининг
2-педиатрия ва тиббий-биология
факультет раиси:



Норов М.А.